

**ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.05.2018.FM. /Т.34.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ЭРГАШЕВ БОБУР АВАЗ ЎҒЛИ

**ТУРЛИ ТАРКИБЛИ CdTe ЮПҚА ҚАТЛАМИДА ХУСУСИЙ
НУҚТАВИЙ НУҚСОНЛАРНИНГ ҲОЛАТИ ВА ТАБИАТИ**

01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019 йил

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по физико-математическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on physical-mathematical sciences**

Эргашев Бобур Аваз ўғли

Турли таркибли CdTe юпка қатламида хусусий нуқтавий
нуқсонларнинг ҳолати ва табиати 3

Эргашев Бобур Аваз угли

Природа и поведение собственных точечных дефектов в пленках
CdTe различного состава 23

Ergashev Bobur Avaz ogli

The nature and behavior of intrinsic point defects in CdTe films of
different composition..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

**ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.30.05.2018.FM. /Т.34.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФИЗИКА-ТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ЭРГАШЕВ БОБУР АВАЗ ЎҒЛИ

**ТУРЛИ ТАРКИБЛИ CdTe ЮПҚА ҚАТЛАМИДА ХУСУСИЙ
НУҚТАВИЙ НУҚСОНЛАРНИНГ ҲОЛАТИ ВА ТАБИАТИ**

01.04.10 – Яримўтказгичлар физикаси

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/FM88 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Физика-техника институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fti.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Разиков Тахирджон Муталович
физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Гулямов Абдурасул Гафурович
физика-математика фанлари доктори

Турсункулов Ойбек Муйидинович
физика-математика фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат техника университети

Диссертация ҳимояси Физика-техника институти ҳузуридаги DSc.30.05.2018.FM./T.34.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Чингиз Айтматов кўчаси, 26-уй. Тел./факс: (99871) 235-42-91; e-mail: ftikans@uzsci.net, Физика-техника институти мажлислар зали).

Диссертация билан Физика-техника институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Чингиз Айтматов кўчаси, 26-уй. Физика-техника институти. Тел./факс: (99871) 235-30-41.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Н.Р. Авезова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси т.ф.д., етакчи илмий ходим

А.Г. Комилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, т.ф.н.

А.В. Каримов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси ф-м.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда энг самарадор юпқа қатламли қуёш элементлари CdTe , Cu(In,Ga)Se_2 асосидаги яримўтказгич материалларидан олинган, уларнинг фойдали иш коэффициентлари мос равишда 22,1% ва 22,9% ташкил қилади¹. Етакчи олим ва мутахассисларнинг саъй-ҳаракатларига қарамасдан, зарур ўтказувчанликка эга бўлган CdTe юпқа қатламларини олишдаги технологик муаммолар уларнинг кенг қамровли фойдаланишига тўсқинлик қилмоқда. Бу жиҳатдан юқори ўтказувчанликка эга бўлган кадмий теллур юпқа қатламларини олиш ва унинг асосидаги юқори самарадорликка эга бўлган юпқа қатламли қуёш элементларини яратишдаги муҳим вазифалардан бири бўлиб келмоқда. Бу борада хусусий нуқтавий нуқсонларнинг концентрациясини бошқариш, кристаллнинг ўсиш жараёнида киришмалар билан легирлаш, манба таркибий концентрациясини технологик бошқариш ёки юпқа қатламни ўстиргандан сўнг унга турли муҳитларда термик ишлов бериш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Ҳозирги кунда жаҳонда кремний (Si) асосидаги анъанавий қуёш элементлари билан бир қаторда, CdTe , Cu(In,Ga)Se_2 асосидаги юпқа қатламли қуёш элементларини ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу соҳада мақсадли илмий тадқиқотларни амалга ошириш, жумладан, қуйидаги йўналишларда илмий тадқиқотларни олиб бориш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади: юқори ўтказувчанликка эга бўлган юпқа қатламларни олишда хусусий нуқтавий нуқсонларнинг концентрациясини бошқариш, юпқа қатламларда ўсиш жараёнида киришмалар билан легирлаш, ёки уларга турли муҳитларда термик ишлов бериш. Бундан ташқари юпқа қатламли қуёш элементларининг остки юза қатламига ток олувчи контактларини олиш қуёш элементларининг барқарорлигини таъминлашда зарур вазифалардан саналиб, қулай ва соддалаштирилган технологияларни ишлаб чиқишда муҳим роль ўйнайди.

Сўнгги йилларида республикамызда устувор инновацион технологиялар ривожланишига ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш соҳасидаги ишланмаларга, шу билан бирга арзон ва юқори самарадор яримўтказгичли қуёш элементларини ишлаб чиқаришга катта эътибор қаратилмоқда. Иссиқ иқлим шароитларида самарали ишловчи фотоэлементларни ишлаб чиқариш, фото қабул қилиш юзасини текстурлаш орқали оптик йўқотишни камайитириш, кристалл панжарага киришма атомларининг нанокластерларини киритиш ёки изовалент киришмаларини легирлаш орқали спектрал сезгирлик соҳасини кенгайтириш, ҳамда қуёш элементлари учун юпқа қатламли халькогенид структураларни олишнинг технологик жараёнларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш йўналишларида салмоқли натижалар олинган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ «иктисодиётнинг

¹ Green et. al. Progress in Photovoltaics Volume27, Issue1 January 2019 Pages 3-12.

энергия сарфини ва ресурс сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежовчи технологияларни кенг жорий этиш ва иқтисодиёт тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш» муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан, CdTe юпқа қатламларининг электрофизик хоссаларини бошқаришнинг янги усулларини яратиш, улар асосида қайта тикланадиган энергия манбаларидан кенг фойдаланишни таъминлайдиган арзон ва юқори самарадор юпқа қатламли қуёш элементларини ишлаб чиқариш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 26 майдаги ПҚ-3012-сонли «2017-2021 йилларда қайта тикланувчи энергетикани янада ривожлантириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида», 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3855-сонли «Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2019 йил 30 майдаги ПҚ-4348-сонли «Электротехника саноатини янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва тармоқнинг инвестициявий ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг IV. «Қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш усулларини ишлаб чиқиш, нанотехнология, фотоника ва бошқа замонавий технологиялар асосида янги технологиялар ва қурилмалар ишлаб чиқиш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Юпқа қатламли қуёш энергетикасида кенг тадқиқот қилинадиган асосий материаллардан бири сифатида кадмий теллур поликристалли ҳисобланади. Дунёда 15 дан ортиқ илмий тадқиқот марказларида, жумладан, First Solar (АҚШ), Calyxo (Германия), Advanced Solar Power (Хитой), Microsys International (Сингапур) ва бошқаларда, фойдали иш коэффициенти 10-15% бўлган CdTe фотоэлектрик модулларини ишлаб чиқариш технологиялар фаолияти билан шуғулланади². Ушбу илмий тадқиқот марказларидаги ишлаб чиқариш технологиялари турлича эканлигига қарамасдан, олинадиган қуёш элементларининг салт юриш кучланиши ($U_{ск} \leq 860$ мВ) ва тўлдириш коэффициенти ($FF \leq 0.79$) билан чекланган. Тадқиқотларнинг назарий маълумотларига асосан CdTe асосидаги қуёш элементлари таъқиқланган зона кенлиги 1,41 эВ бўлган яримўтказгич материалларида салт юриш кучланиши $U_{ск}$ ва тўлдириш коэффициенти FF мос равишда 1000 мВ ва 0.85 намоён қилиши керак. Бу кўрсаткичларни инобатга

² <https://www.enfsolar.com/directory/panel/cdTe>

олган ҳолда, қисқа туташув токининг ($J_{\text{КТ}} = 27 \text{ мА} \cdot \text{см}^{-2}$) қийматга эришилганлиги, кадмий теллур асосидаги қуёш элементининг кутилаётган фойдали иш коэффициенти 23% бўлади.

Таъкидлаш жоизки, CdTe юпқа қатламларида салт юриш кучланишини ошириш учун, акцептор киришмалар (N_A-N_D) концентрациясининг ички диффузиявий потенциалининг оширилишини талаб қилади. Бироқ, тадқиқотлар шуни кўрсатдики, легирлаш даражасини кескин ошириш, тўлдириш коэффициенти камайишига олиб келади, бунинг натижасида қуёш элементларининг самарадорлиги камаяди. Бу ҳолатда легирлаш даражасини ошириш, ноасосий заряд ташувчиларининг ҳаракатчанлиги ва яшаш вақти билан аниқланадиган диффузия узунлигини сезиларли камайишига олиб келиши билан тушунтирилади. Ноасосий заряд ташувчиларининг диффузия узунлигининг ошиши, заряд ташувчиларининг ҳаракатчанлиги ёки яшаш вақти, ёки бир вақтда иккала кўрсаткичнинг оширилишини талаб қилади. Бироқ, CdTe юпқа қатламларида нуқтавий ва структуравий нуқсонларнинг, заряд ташувчилар ҳаракатчанлиги ва яшаш вақтига таъсири етарлича ўрганилмаган.

Бу соҳанинг ривожига Ўзбекистон олимлари Т.М. Разиков ва К.М. Кучкаровлар салмоқли ҳиссаларини қўшган³. Хусусан, Т.М.Разиков биринчилардан бўлиб халкогенидлар асосидаги поликристалл юпқа қатламларни олишнинг янги технологияси, кимёвий молекулалар дасталаридан олиш (КМДО) усулини ишлаб чиқди. Бу усулнинг афзалликлари айнан манба компонентларининг алоҳида-алоҳида жойлаштирилиши, уларнинг мустақил қиздирилиши ва газ ташувчисини ҳар бир манба орқали етказиб берилиши туфайли аниқ таркибдаги юпқа қатламларни олиш мумкинлиги, бу эса ўстириладиган юпқа қатламларнинг хоссаларини, айнан ўтказувчанлик тури ва хусусий нуқтавий нуқсонларининг (ХНН) концентрациясини бошқариш имконини беради.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Физика-техника институти илмий тадқиқот ишлари режасига биноан Ф2-Ф032-сон «Фотосезгир поликристалл кадмий теллур юпқа қатламларида тортилувчи нуқсонларнинг электрон ҳолатларининг кинетик ва деградацион хоссаларига таъсирини ва CdS-CdTe юпқа қатламли қуёш элементларидаги физик жараёнларини тадқиқот қилиш» (2007-2011 йй.); Ф3-ФА-0-56434-сон «Қуёш элементлари ва яримўтказгич асбоблари учун нано уланишли тузилмалар ҳамда юпқа қатламли тузилмалар ҳосил бўлишининг физик қонуниятлари» (2012-2015 йй.), ҳамда халқаро М/CRDF-43/2013-сонли «Самарадор юпқа қатламли қуёш элементларини ишлаб чиқариш учун турли таркибли CdTe юпқа қатламларининг физик хоссаларини тадқиқот қилиш» (2014-2015 йй.) илмий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади турли таркибли CdTe юпқа қатламларида, ҳамда CdCl₂ ишқорида термик ишлов берилганда ва Sb билан легирланганда хусусий нуқтавий нуқсонларнинг ҳолати ва табиатини аниқлашдан иборат.

³ http://fti.uz/sotrudniki-laboratorii/?SECTION_ID=32

Тадқиқотнинг вазифалари:

CdTe юпка қатламларининг энг яхши электрофизик ва оптик хоссаларини олиш мақсадида КМДО усулида поликристалл ўстиришни оптимал технологик шароитини аниқлаш;

ўсиш жараёнидаги CdTe юпка қатламининг буғ фазавий таркибига морфологик, структуравий ва электрофизик хоссаларининг боғлиқлигини тадқиқот қилиш;

турли таркибли CdTe юпка қатламларига CdCl₂ ишқорида термик ишлов беришнинг таъсирини аниқлаш;

турли таркибли CdTe юпка қатламларида нуқтавий нуқсонларнинг ҳолати ва табиатини ўрганиш;

турли таркибли CdTe юпка қатламларини Sb киришма атомлари билан легирлаганда уларнинг электрофизик хоссаларига таъсирини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти КМДО усулида олинган турли таркибли CdTe асосидаги юпка қатламлардан иборат.

Тадқиқотнинг предмети турли таркибли CdTe юпка қатламларида хусусий нуқтавий нуқсонларнинг табиати ва уларнинг электрофизик хоссаларига таъсиридан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Юпка қатламларни тадқиқот қилишда экспериментал физиканинг комплекс усуллари: вольт-ампер характеристика, ҳароратнинг ўтказувчанликка боғлиқлиги, сканерловчи электрон микроскопия, рентген нурларининг дифракцияси, фотолюминесценция усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

юпка қатлам элементларининг таркибини КМДО усулида синтез қилишда, ўсиш тезлиги $10^{-1} \div 10$ Å/сек бўлганда, тагликка тушаётган молекулалар оқимини $10^{13} - 10^{14}$ см²/сек⁻¹ гача пасайиши, CdTe юзасида юпка наноқатламлар олишга имконият яратиши, бунда юқори сифатли омик контактлар олиш мумкинлиги аниқланган;

буғ фазаларда Cd/Te молекулалар дасталарининг интенсивлик нисбатини ва тагликка ўстириладиган элементларнинг кетма-кетлик оқимини бошқариш билан поликристалл CdTe юпка қатламларини олиш ва уларнинг солиштира қаршилигини кенг $10^4 \div 10^8$ Ом·см интервалда ўзгартириш мумкинлиги аниқланган;

CdCl₂ ишқорида CdTe юпка қатламларига ишлов берилганда, доначалар ўлчами катталашиши, бунинг натижасида доначалар орасидаги бўшлиқлар йўқ бўлиши ва CdTe юпка қатламларида зич тахланган доначалар ҳосил бўлиши намоён қилинган;

турли таркибли CdTe юпка қатламларининг 20 К ҳароратдаги фотолюминесценция спектрларида иккита 1,41 эВ ва 1,12 эВ чўққиларини намоён қилганлиги ва биринчи сатҳ $E_V + 0.15$ эВ бирлик зарядланган вакансия кадмий V_{Cd}^- га, иккинчи чўққининг ҳосил бўлиши $E_C - 0.48$ эВ сатҳга ва иккилик зарядланган вакансия теллурга V_{Te}^{++} ёки тугунлараро кадмий атомига Cd_i^{++} тегишли эканлиги аниқланган;

CdTe юпка қатламларига ҳаво муҳитида термик ишлов берилганда, кислород атомлари донор сатҳ бўлган вакансия теллурни V_{Te} эгаллаши, натижада акцепторлар концентрациясининг ортиши ва мос равишда p-тур ўтказувчанликни намоён қилиши кўрсатилган;

КМДО усулида Sb билан легирланган турли таркибли CdTe юпка қатламларининг энг кичик солиштирма қаршилиги Cd га бойитилганда кузатилиб, бунда CdTe:Sb юпка қатламларида Sb атоми, Te атомининг жойини осон эгаллашлиги ва юпка қатламда акцептор хоссасини ифодалашлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

КМДО усулида олинган турли таркибли CdTe юпка қатламларида нуқсон ҳосил бўлиш механизмининг боғлиқлик қонунияти аниқланган;

CdTe юпка қатламларининг фотосезгирлигини ошириш усуллари таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги маълумотларни қайта ишлаш ва ўлчашда мустақил ва қўшимча комплекс усулларида фойдаланиш орқали, шу билан бирга олинган натижаларнинг юпка қатламлар учун мавжуд физик тасаввурларга мослиги билан таъминланган. Тажрибалар Жанубий Флорида Университетида (АҚШ), Парма Университетида (Италия) ва Малайзия Миллий Университетларида (Малайзия) ҳам амалга оширилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти CdTe юпка қатламларидаги хусусий нуқтавий нуқсонлар ҳақидаги физик тасаввурларни кенгайтиришдан иборат.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти, турли таркибли CdTe юпка қатламларининг электрофизик хоссалари аниқлаш, юпка қатламли қуёш элементларининг функционал хоссаларини яхшилаш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Турли таркибли CdTe юпка қатламларида хусусий нуқтавий нуқсонларнинг ҳолати ва табиатини ҳамда уларнинг электрофизик хоссалари ўрганиш асосида:

$CdCl_2$ ишқори билан термик ишлов берилган CdTe юпка қатламларининг хоссаларини оптималлаштиришда олинган натижалар хорижий илмий журналларида (Thin Solid Films, 582, 134-138, 2015, IF: 1.939; Advances in Condensed Matter Physics, 2016, Article ID 8068396, IF: 0.959; Physica Status Solidi A, 213(12), 3231-3237, 2016, IF: 1.795 ва бошқа.) CdTe юпка қатламларининг электрофизик ва оптик хоссаларини яхшилаш ва улар асосидаги қуёш элементларини тадқиқот қилишда фойдаланилган. Илмий натижалардан фойдаланиш, CdTe юпка қатламларининг морфологик, структуравий хоссаларини яхшилаш ва солиштирма ўтказувчанликни ошириш ҳамда улар асосидаги қуёш элементларининг самарадорлигини ошириш имконини берган.

CdTe юпка қатламларининг ўсиш жараёнида буғ фазадаги таркибини бошқариш орқали юпка қатламнинг морфологик ва структуравий ҳамда электрофизик хоссаларини яхшилашда олинган натижалар хорижий илмий журналларда (Materials Science and Engineering B, 171, 73–78, 2010, IF: 3.316;

Physica B, 407, 4214–4220, 2012, IF:1.453; Optik, 124, 2165–2170, 2013, IF:1.191 ва бошқа.) CdTe юпка қатламларининг электрофизик ва оптик хоссалари ўзгаришини бошқаришда фойдаланилган. Илмий натижалардан фойдаланиш CdTe юпка қатламларини танланган таркибда олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишида олинган асосий натижалари 9 та халқаро ва 6 та республика илмий амалий анжуманларида маъруза ва муҳокамалар қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича асосий илмий натижалар жами 20 та илмий ишда chop этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг док-торлик диссертациялари асосий илмий натижаларини chop этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ва иловалардан иборат. Диссертация матни 104 бетда келтирилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси очиб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети ва усуллари тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги баён қилинган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши ва апробацияси ҳамда диссертация ҳажми ва тузилиши бўйича қисқа маълумотлар келтирилган.

«Кадмий теллур юпка қатламларининг электрофизик хоссалари ва уларни олиш усуллариининг таҳлили» номли биринчи бобда CdTe нинг асосий физик-кимёвий хоссалари ҳақида адабиётлар шарҳи келтирилган. CdTe да нуқсонларнинг ҳосил бўлиш жараёнлари ҳамда CdTe юпка қатламларнинг электрофизик ва оптик хоссаларига хусусий ва киришмали нуқтавий нуқсонларининг роли кўриб чиқилган. Кўрсатилган юпка қатлам бирикмаларни олиш ва фойдаланишга доир адабиётлардан маълумотлар таҳлили келтирилган. Бундан ташқари, CdTe юпка қатламларини олиш технологик усуллариининг афзаллик ва камчиликлари кўриб чиқилган. Мавжуд экспериментал ва назарий маълумотлар таҳлиliga асосан тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган.

«CdTe юпка қатламларини олиш технологиясининг хусусиятлари ва тақиқот усуллари» деб номланган иккинчи боб турли таркибли CdTe юпка қатламларини КМДО усулида олиш ва юпка қатламларнинг физик хоссаларини комплекс тадқиқот қилиш усулларига бағишланган.

Таъкидлаш жоизки, юпка қатламли қуёш элементларини ишлаб чиқариш технологияларини кенг жорий қилишда, бу жараёнларнинг физикавий-технологик имкониятларини, айниқса иқтисодий самарадорлигини, олинадиган юпка қатламларнинг ишлаб чиқарилиш даражаси ва жараённинг тўлиқ автоматлаштирилиши ҳамда йирик ишлаб чиқаришда юпка қатламларнинг

катта юзада олиш имкониятларига аҳамият қаратиш лозим.

Турли таркибли CdTe юпқа қатламларини ўстиришда КМДО усули қўлланилган. Манба сифатида тозалиги 99.999% бўлган Cd ва Te элементларидан фойдаланилган. Юпқа қатламлар тагликнинг 500°C-600°C ҳароратларида шиша ва молибден тагликларга олинган. Намуналар атмосфера босимида водород газ оқимида ўстирилган. Юпқа қатламларнинг қалинликлари 1-5 мкм оралиқдаги қалинликни ташкил қилган.

Ишчи камера ҳажмининг квази ёпиқлиги, ҳамда Cd ва Te буғ босимларини бошқариш орқали, поликристалл CdTe қатламларини кенг соҳада Cd/Te = 0,5-1,5 олиш мумкин.

CdTe юпқа қатламларнинг физик хоссаларини тадқиқот қилишда комплекс усулларида фойдаланилди. Бу бизнинг илмий тадқиқотларимизгача КМДО усулида CdTe юпқа қатламларини олиш ҳақида адабиётларда кам маълумотлар мавжудлиги билан боғлиқ. Юпқа қатламларни комплекс тадқиқот қилиш уларнинг тур ўтказувчанлиги, ҳароратнинг ўтказувчанликка боғлиқлиги, ВАТ ва фотолюминесценцияларни ўз ичига олган. Бундан ташқари оптик металлография, рентген дифракцияси, сканерловчи электрон микроскопия ва атом кучили микроскопия усулларида фойдаланилган.

Янги олинган юпқа қатламларнинг электр хоссаларини ўлчаш учун уларга вакуум чанглантиш усулида омик контактлар олинди. Ковакли ўтказувчанликка эга бўлган юпқа қатламларга мис, кумуш, кумуш пастаси, электронли ўтказувчанликка эга бўлган юпқа қатламларга индий ва индий-галий қотишмасидан омик контакт сифатида фойдаланилди. Намуналарнинг тур ўтказувчанлиги термоЭЮКнинг кўрсаткичи орқали аниқланди. Чиқиш қаршилиги 10^{14} Ом бўлган В7-30 электрометрдан фойдаланиш, солиштира қаршилиги 10^8 Ом·см дан юқори бўлган намуналарнинг тур ўтказувчанлигини термоЭЮК кўрсаткичини аниқ индексациялаш имконини берди.


Намуналардаги контактнинг «омик» лийлигини намуналарда ВАТ ўлчаш орқали текширилди. Кейинги тадқиқотларни амалга ошириш учун ВАТ ўлчашда, кучланишнинг ўлчаш оралиғида тўғриланиш кузатилмаган намуналар олинди.

Юпқа қатламларнинг (ρ) солиштира қаршилиги ва (R_x) Холл доимийсини ўлчаш Ван-дер Пау усулида бажарилди. У5-9 турдаги электрометрлардан фойдаланиш, ρ солиштира қаршилиги 10^8 Ом·см дан катта бўлган намуналарни ўлчаш имконини берди. Намуналарнинг (ρ) солиштира қаршилиқни паст 80-300 К ҳароратларда ўлчаш махсус вакуум креостатда амалга оширилди.

Юпқа қатламларнинг микроструктураси HITACHI S800 сканерловчи электрон микроскопи (СЭМ) ва EasyScan 2 FlexAFM атом кучи микроскопи (АКМ) ёрдамида тадқиқот қилинган. Юпқа қатламларнинг таркибини аниқлаш учун энерго дисперсион спектроскопия асосидаги EDAX-Phoenix EDS Systemдан фойдаланилган. Рентген структура таҳлили PANALYTICAL X'PERT PRO MRD қурилмасида бажарилган. (Ўлчаш тадқиқотлари Жанубий Флорида Университети (АҚШ), Парма Университети (Италия) ва Малайзия Миллий Университетларида амалга оширилган).

«Турли таркибли CdTe юпқа қатламларининг морфологик, структуравий ва электрофизик хоссалари» номли учинчи бобда турли таркибли CdTe юпқа қатламларининг морфологик, структуравий ва электрофизик хоссаларининг тадқиқот натижалари электромикроскоп, рентгенспектрал таҳлил ва ўтказувчанликни ҳароратга боғлиқлик усулларидадан фойдаланилган ҳолда ҳамда намуналарнинг 20K ҳароратда фотолюминесценция ўлчаш натижалари келтирилган.


1-расмда тагликнинг 600°C ҳароратида ўстирилган турли таркибли намуналарнинг СЭМда олинган расмлари кўрсатилган. Расмдан кўринадики,



1-расм. Турли таркибли CdTe намуналарнинг сканерловчи электрон микроскопда олинган расмлари

Cd/Te - 0,79 таркибли намунадан ташқари, стехиометрик таркибга яқин намунанинг (доначаларнинг шакл ва ўлчамлари) ўхшаш микроструктураси кўринишига эга. (Cd/Te - 1,01;1,08) таркибли намуналар яхши ориентацияланган поликристалл структурага бўлиб, доначалар ўлчами 3-5 мкм ни ташкил қилади, бироқ юпқа қатламлар зичлашмаган. Те билан бойитилган юпқа қатламлар (таркибининг нисбати Cd/Te - 0,79) ҳам яхши ориентацияланган поликристалл структурага, доначалар ўлчами 5-10 мкм ни ташкил қилиб, зичлашган структурага эга.

2-расмда тагликнинг 600°C ҳароратида водород оқимида ўстирилган (Cd/Te ~ 0.79, 0.88, 0.94, 1.01, 1.05, 1.08) таркибли CdTe юпқа қатлам намуналарининг Рентген нурлари спектр дифракцияси келтирилган. Кристалл ориентацияларининг кўрсаткичлари чўққилар устида ифодаланган.




2-расм. Турли таркибли CdTe юпқа қатлам намуналарининг Рентген нурлари спектр дифракцияси.

Барча намуналарнинг Рентген нури спектрларининг дифракцияси $2\theta = 23.7^\circ$ да катта чўққига эга бўлиб, кристаллографик ўқнинг (111) йўналишига мос келади. Бу эса, CdTe юпқа қатламлари (111) йўналишига эга бўлган сфалерит структурада ўстирилганлигини кўрсатади. Cd/Te=0,94 таркибли юпқа қатламларда (200), (311) ва (422) ориентациядаги чўққилар ҳам кузатилди. Бу юпқа қатламнинг қалинлиги билан тушунтирилади. Қалинлиги 0,5 мкм дан кичик бўлган юпқа қатламлар жуда юпқа ҳисобланади ва (200), (311) ва (422) ориентациядаги мос чўққиларга эга бўлади.

Қалинликни 0,5 мкмдан ортиб боришида бу йўналишлардаги чўққиларнинг интенсивлиги камайиб кетади ва юпқа қатлам (111) ориентацияда ўсишни бошлайди. Стехиометрик таркибга яқин намуналарда (111) ориентациядаги чўққиларнинг устунлиги ортиб боради. Бу CdTe намуналарининг кристалл панжара доимийси $a = 6.487\text{\AA}$ бўлган афзал ориентациясига эгаллиги кўрсатади.

Тагликнинг 500°C ҳароратида олинган намуналарнинг Рентген нури спектрларининг дифракцияси ўрганилди.




а) $d \sim 0,5\text{мкм}$; б) $d \sim 2\text{мкм}$.

3-расм. Ҳар хил қалинликдаги CdTe намуналарнинг Рентген нури спектрларининг дифракцияси.

3-расмда ҳар хил қалинликдаги CdTe намуналарнинг Рентген нури спектрларининг дифракцияси келтирилган бўлиб, $2\theta = 23.7^\circ$ да ёрқин намоён бўлган чўққи билан ифодаланади. Бу (111) кристаллографик йўналишига мос келиб, барча CdTe юпқа қатламлари сфалерит структурага эга эканлигини билдиради. Шу билан бирга (220), (311) ва (440) йўналишлардаги чўққилар ҳам кузатилди. Бу чўққиларнинг интенсивлиги, намуналарнинг қалинлигига боғлиқ. 2 мкм қалинликдаги намунада (220), (311) ва (440) йўналишлардаги чўққиларнинг мавжудлиги, бу намуналар учун координация рақами 12 бўлган кубик панжараси тавсифланади. Бу натижаларга кўра, панжара доимийси $a = 6.481\text{\AA}$ (аниқлик 0.093%).

4-расмда тагликнинг 500°C ҳароратида КМДО усулида олинган турли таркибли CdTe юпқа қатламларининг СЭМда олинган расмлари кўрсатилган. Расмдан кўринадики, намуналар яхши ориентацияланган поликристалл структурага эга бўлиб, доначалар ўлчами 2-3 мкм ташкил қилади ҳамда юпқа қатламлар янада зичлашган.



а)


б)

в)


а) Cd/Te ~ 0,5 б) Cd/Te ~ 0,85 в) Cd/Te ~ 1,05

4-расм. Тагликнинг 500°C ҳароратида ўстирилган турли таркибли CdTe юпқа қатламларининг СЭМда олинган расмлари.

5-расмда тагликнинг 500°C ва 600°C ҳароратларида олинган турли таркибли CdTe юпқа қатламларининг атом кучи микроскопида олинган 3D расмлари кўрсатилган. Атомик куч микроскопида CdTe юпқа қатламларининг морфологик хоссалари тадқиқот қилиш атом кучи микроскопида Малайзия Миллий Университетида ва Жанубий Флорида Университетларида амалга оширилган.



а)



б)

Тагликнинг ҳароратлари: а) 500°C, б) 600°C


5-расм. CdTe юпқа қатламларининг атом кучи микроскопида олинган 3D расмлари.

Рентгеноструктуравий, сканерловчи электрон микроскоп ва атомик куч микроскоплар натижалари таҳлиliga асосан, таглик ҳароратининг 600°C да олинган стехиометрик таркибга яқин CdTe юпқа қатламлари (111) йўналишга эга бўлган поликристалл сфалерит структурага, доначалари ўлчами 5-8 мкм га ва бир жинсли 4 мкм қалинликка эга эканлиги аниқланди. Шу билан бирга тагликнинг 500°C ҳароратида олинган стехиометрик таркибли CdTe юпқа қатламлар ҳам яхши ориентацияланган поликристалл структурага эга бўлиб, доначалар ўлчами 2-3 мкм ташкил қилади, бироқ 600°C ҳароратида олинган намуналарга нисбатан янада зичлашган. Бу тагликнинг ушбу ҳароратида ҳам CdTe юпқа қатламларининг оптимал таркибида фотоволтаик қурилмалар яшашга яроқлилигини ифодалайди.

6-расмда турли таркибдаги тагликнинг 600°C ҳароратида олинган CdTe юпқа қатламларининг фотолюминесценция спектрлари кўрсатилган. Намуналарнинг таркиби Cd/Te мос равишда 0.54 ва 1.16 га тенг.

Барча намуналар учун биринчи 1.41 эВ ёки 900 нм, иккинчи 1.12 эВ оралиғида ётувчи, 1100 нм мос келадиган чўққилар мавжудлиги аниқланди. CdTe юпқа қатламларининг фотолюминесценциядаги 1.41 эВ га мос келувчи

чўққи электронларнинг ўтказувчанлик зонасидан акцептр сатҳга ўтиши $E_v+0.15$ эВ билан ифодаланади ва бирлик зарядланган вакансия кадмий V_{Cd}^- га ёки



6-расм. Турли таркибдаги олинган CdTe юпка қатламларининг фотолюминесценция спектрлари.

тугунлараро теллур атомига Te_i^- тегишли. 1.12 эВ даги чўққи электронларнинг донор сатҳдан $E_c - 0.48$ эВ валент зонага ўтиши билан тавсифланади. Бу донор сатҳ иккилик зарядланган вакансия теллурга V_{Te}^{++} ёки тугунлараро кадмий атомига Cd_i^{++} тегишли.

Намуналарнинг солиштирма қаршили-гини паст 80-300 К ҳароратларда ўлчаш, махсус вакуум креостатда амалга оширилган. Нуқсонларнинг фаоллашиш энергиялари аниқланган.


7-расмда Cd/Te=0,64; 0,73; 0,82; 0,92; 0,97 ва Cd/Te=1,14 таркибли юпка қатламларда ўтказувчанликнинг ҳароратга боғлиқлик эгри чизиқлари келтирилган.

Расмдан кўринадики, намуналарда ўтказувчанликнинг ҳароратга боғлиқлик эгри чизиқлари фаоллашиш энергиясига $E_{a1}=E_v+0,42\pm0,03$ эВ бўлган оддий экспоненциал кўринишга эга. Cd/Te=1,14 таркибдаги юпка қатлам учун фаоллашиш энергияси $E_{a2}=E_c-0,45$ эВ бўлган сатҳ аниқланган. Адабиётлардаги маълумотларга асосан бу фаоллашиш энергияларнинг кўрсаткичлари E_{a1} бирлик зарядланган вакансия кадмий V_{Cd}^- га ва E_{a2} иккилик зарядланган тугунлараро кадмий атомига Cd_i^{++} тегишлиги билан тавсифланади.

«CdTe юпка қатламларига $CdCl_2$ ишқорида термик ишлов беришнинг таъсири»

деб номланган 4-боб турли таркибли CdTe юпка қатламларига $CdCl_2$ ишқорида термик ишлов берилганда, юпка қатламларнинг морфологик, структуравий ва электрофизик хоссаларига ҳамда хусусий нуқтавий нуқсонларга таъсири тадқиқот қилинган.

$CdCl_2$ ишқорини CdTe юпка қатламининг юзасига олиш юқори вакуум муҳитида амалга оширилган. Бу жараён қуйидагича бажарилди: $CdCl_2$ ишқори




7-расм. Турли таркибли CdTe юпка қатламларда ўтказувчанликнинг ҳароратга боғлиқлик эгри чизиқлари.

CdTe юпқа қатламининг юзасига турли қалинликларда олинди, жараён юқори босим ичида жойлашган махсус конструкцияли цилиндрик кварцдан тайёрланган квази ёпиқ ҳажмда амалга оширилди.

Пуркилаш жараёнидан олдин намуналар тозаланган этил спиртида ювилган. Намуналарнинг пуркилашга яроқлилиги юза қисмини микроскопда визуал кўриб чиқилгандан кейин махсус тайёрланган алюмин ниқобларга жойлаштирилди. Пуркилаш жараёнида CdCl_2 ишқори CdTe юпқа қатламининг юзасига турли қалинликларда олинди. CdTe юпқа қатлами юзасидаги CdCl_2 қатламининг қалинлиги ишқорнинг учуш вақти орқали бошқарилди ва қалинлик 200-300 нм ташкил қилди. Намуналарнинг юза қисмида оксидланишни чеклаш учун намуналар юқори вакуумда совитилди, сўнг намуналар юзасидаги CdCl_2 ишқорининг қолдиқлари тозаланган метил спиртида ювилди.

Намуналарга CdCl_2 ишқори олингандан кейин махсус ясалган қурилмада 30 дақиқа давомида, 390°C - 400°C ҳароратларда ҳаво муҳитида намуналарга термик ишлов берилди. Сўнг намуналарнинг турига қараб кумуш пастасидан ёки индий-галий қотишмасидан ток олиш контактлари олинди. Олинган контактларни намуналарнинг юза қисмига яхшироқ кириши учун 30 дақиқа давомида, 250°C - 270°C ҳароратларда термик ишлов берилди. Юқоридаги технологик жараёнлардан сўнг юпқа қатламларнинг морфологик, структуравий ва электрофизик хоссалари ўрганилди.



CdCl_2 ишқорида, а) ишлов берилмаган; б) ишлов берилган

8-расм. CdTe юпқа қатламларининг 3D кўринишдаги атом кучи микроскоп расмлари.

CdTe юпқа қатламларига CdCl_2 ишқорида ишлов берилгандан сўнг уларнинг морфологик хоссалари атом кучи микроскопда ўрганилди. CdCl_2 ишқорида ишлов берилган ва ишлов берилмаган намуналарнинг 3D расмларини (8-расм) солиштириб, ишлов берилган намуналарнинг морфологик структураси, доначалар ўлчами ўзгармасдан қолди, фақат юза қисмининг текиланганлиги аниқланди.


Юпқа қатламларнинг 3D суратда олинган атом кучи микроскоп расмларининг таҳлиliga асосан, яхши ориентацияланган поликристалл структурали, зарур доначалар ўлчами 6-8 мкм бўлган юпқа қатламларни олиш учун, уларга CdCl_2 ишқорида ишлов бериш шарт эмас, сабаби бундай ишлов бериш КМДО усулида олинган юпқа қатламларнинг морфологиясини кескин ўзгартрмайди.

Олинган натижалар таҳлили қуйидагиларни кўрсатмоқда:

а) юпка қатламларнинг морфологияси атом кучи микроскопи ёрдамида ўрганилганда, яхши ориентацияланган, доначалар ўлчами 6-8 мкм бўлган поликристалл структура эгаллиги намоён бўлди;


б) CdCl_2 ишқорида ишлов берилган намуналарнинг морфологик хоссаларида кескин ўзгариш кузатилмади. Фақат CdCl_2 ишқорида ишлов берилганда юпка қатламларнинг кристалл доначалари қайта тақсимланиши ва структурасининг бироз зичлашиши кузатилди.

9-расмда стехиометрик таркибли CdTe юпка қатламининг комбинациялашган сочилиш спектри кўрсатилган. (Спектр, а) 165 см^{-1} даги кенгчирик 1- чўкки (LO) бўйлама оптик мода, CdTe га ва 145 см^{-1} даги E_{TO} кучли фазадаги Te га ҳиссасига эга. 2-чўкки Te нинг умумийлашган кучли фаза модаси A_1 (120 см^{-1}) + E_{TO} (145 см^{-1}) билан боғлиқ, 3-чўкки LO бўйлама фононининг иккинчи гармоник-касига мос келади. CdCl_2 ишқорида ишлов берилган юпка қатламларнинг Раман спектри (Спектр, б) муҳим ўзгаришни кўрсатади. Тоза Te билан боғлиқ фаза йўқолиб кетди ва янги 4-фаза пайдо бўлди. Спектрдаги бу модификациялар, намуналарга ишлов берилганда аввал ажралган Te атомларини қайта тақсимланишини ва умумий ҳолатда кристаллитларнинг яхшиланганини кўрсатади, сабаби энди спектр 4-обертонгача етиб боради. Фонон обертонларнинг ташқи кўриниши кристалл сифатининг ўлчами ҳисобланади.



CdCl_2 ишқорида
а) ишлов берилган; б) ишлов берилмаган.

9-расм. Стехиометрик таркибли CdTe юпка қатламларининг комбинациялашган сочилиш спектрлари.



10-расм. CdCl_2 ишқорида ишлов берилган турли таркибли CdTe юпка қатламларида ҳароратнинг электр ўтказувчанликка боғлиқлик графиги.

10-расмда $\text{Cd}/\text{Te}=0,64; 0,73; 0,82; 0,92; 0,97$ и $\text{Cd}/\text{Te}=1,14$ таркибли CdCl_2 ишқорида ишлов берилган CdTe юпка қатламларининг ҳароратнинг электр ўтказувчанликка боғлиқлик эгри чизиқлари келтирилган.

$\text{Cd}/\text{Te}=0,64$ таркибли намунанинг эгри чизиғидан фаоллашиш энергияси $E_a=E_v+0,31$ эВ бўлган сатҳ ҳисоблаб топилган. Бу стаҳга эга бўлган Te_{Cd} нуқсони кристаллнинг ўсиш жараёнида ҳосил бўлган.

$\text{Cd}/\text{Te}=0,73$ юпка қатлам эгри чизиғидан ҳисоблаб топилган $E_{a1}=E_v+0,22$ эВ сатҳи акцептор сатҳ бўлиб, V_{Cd} ёки $\text{Cl}_{\text{Te}}+V_{\text{Cd}}$ га тегишли.

$\text{Cd}/\text{Te}=0,82$ намуна учун фаоллашиш энергияси $E_{a3}=E_v+0,27$ эВ бўлган сатҳ ҳисоблаб чиқилди. Адабиётларда фаоллашиш

энергияси (0,27-0,35 эВ) ораликда бўлган бу нуқсон сатҳини Cu, Ag, Au, Pb каби металл киришмаларга тегишли эканлигини ёзиб ўтган бўлиб, кўп ҳолларда буни сатҳлари 0,33 эВ бўлган Cu ифлосланиши концентрацияси билан боғлаган. Мураккаб комплекс сатҳларнинг ёки термик ишлов берилганда киришмаларнинг тарқалиши (0,3-0,4 эВ) нуқсонлар йўлагини келтириб чиқариши мумкин. Олинган натижаларни, яъни донор бўлган Te_{Cd} антиструктуравий нуқсонининг термодинамик мувозанатдаги иштироки деб ҳам изоҳлаш мумкин, Антиструктуравий нуқсонларнинг ҳосил бўлишини, тугунлардаги ёки Te_i тугунлараро Te атомларини, V_{Cd} кадмий вакансия жойига ўтиши билан тушунтириш мумкин.


Кейинги эгри чизиклар $\text{Cd/Te}=0,92;0,97$ таркибли юпқа қатламларда ҳароратнинг электр ўтказувчанликка боғлиқлигини ўлчаш орқали олинган. Уларнинг эгри чизиклари мураккаброқ кўринишга эга бўлиб, фаоллашиш энергияси $E_{a4}=E_v+0,40\pm0,01$ эВ бўлган юқори ҳароратли ва фаоллашиш энергияси $E_{a5}=E_v+0,28\pm0,01$ эВ бўлган паст ҳароратли иккита экспоненциал қисмлардан иборат. $E_v+0,40\pm0,01$ эВ сатҳ акцептор сатҳ бўлиб, бирламчи V_{Cd}^{-1} вакансия кадмийга мос келади. $E_v+0,28\pm0,01$ эВ металл киришмаларга ёки антиструктуравий нуқсонларга тегишли.

$\text{Cd/Te}=1,14$ таркибли юпқа қатламнинг эгри чизигида ҳам мураккаб кўриниш мавжуд. Фаоллашиш энергияси $E_{a6}=E_c-0,45$ эВ бўлган юқори ҳароратли ва фаоллашиш энергияси $E_{a7}=E_c-0,28$ эВ бўлган паст ҳароратли иккита экспоненциал қисмлардан иборат. $E_c-0,45$ эВ сатҳ донор сатҳ бўлиб, иккилик ионлашган тугунлараро кадмий Cd_i^{++} га тегишли. $E_c-0,28$ эВ сатҳ $4\text{Cu}_{\text{Cd}}+\text{Cl}_{\text{Te}}$ комплекс нуқсонга тегишли.

$\text{Cd/Te}=0,64;0,73$ таркибли юпқа қатламларга CdCl_2 ишқорида ишлов берилганда уларнинг солиштира қаршилиги 10^7 Ом·см дан 10^5 Ом·см гача камайди. Бу вақтда Cd бойитилган ва стехиометрик таркибли юпқа қатламларда эса солиштира қаршилик деярли ўзгармади ва $\sim 10^7$ Ом·см атрофида қолди. Бу натижалар CdCl_2 ишқорида термик ишлов берилганда ҳар доим ҳам доначалар ўлчами катталашшига олиб келмайди, айниқса КМДО усулида олинган йирик доначали юпқа қатламларда, бироқ кадмий теллурнинг хусусий нуқтавий нуқсонларига таъсир қилади.

CdTe юпқа қатламларини фаоллашиш энергияси $E_v+0,42\pm0,03$ эВ бўлган акцептр сатҳли ва фаоллашиш энергияси $E_c-0,45$ эВ бўлган донор сатҳли компенсирлашган материал сифатида қараш мумкин. CdTe юпқа қатламларининг физик хоссалари, айнан солиштира қаршилиги, бу сатҳларнинг фаоллиги билан бошқарилади. $E_c-0,45$ эВ сатҳ донор сатҳ бўлиб, иккилик ионлашган тугунлараро кадмий Cd_i^{++} га тегишли ва Cd билан бойитилган, n-тур ўтказувчанликка эга бўлган юпқа қатламларда намоён бўлади. $E_v+0,42\pm0,03$ сатҳи акцептор сатҳ бўлиб, V_{Cd} га тегишли ва Te билан бойитилган p-тур намуналарда намоён бўлади. Te билан бойитилган намуналарга CdCl_2 ишқорида ишлов берилганда уларнинг солиштира қаршилигини сезиларли камайиб кетиши кузатилди. Бу янги вакансия теллур V_{Te}^{++} билан боғлиқ $E_v+0,24\pm0,01$ эВ сатҳнинг ҳосил бўлиши тавсифланади.

CdTe юпқа қатламларига CdCl_2 да ишлов беришнинг таъсирини аниқлаш мақсадида $\text{Cd/Te}=1,0$ таркибли юпқа қатламлар фотолюминесценция қилинди. (11-расм).



CdCl_2 ишқорида, а) ишлов берилмаган, б) ишлов берилган.

11-расм. $\text{Cd/Te}=1,0$ таркибли юпқа қатламлар фотолюминесценция спектрлари.


